Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 9 июль сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 141 (2969)

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОҚТОВ САФАРИ

***Президент Ислом Каримов 6-7 июль кунлари Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарларининг Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида иштирок этди.***

***Қўшни мамлакатларнинг интеграциялашувида бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга. Гарчи Оқтов учрашуви норасмий тарзда ўтган бўлса-да, давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутади.***



Учрашувлар Қозоғистон президентининг шаҳардаги қароргоҳида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Президентлар суҳбатида икки дўст мамлакатнинг ўзаро муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашувида асосий эътибор ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция жараёнларини янги босқичга кўтариш, шунинг асносида коммуникация, энергетика, транспорт соҳаларида ҳамкорлик, сув ва ҳаво йўлларидан янада унумли фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, экстремизм, наркобизнес каби иллатларга қарши биргаликда курашиш масалаларига қаратилди. Томонлар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирар экан, масалалар ечими давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва тенг манфаатлилик асосига таяниши, айниқса, иқтисодий муаммолар ечимини баҳамжиҳат ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

Президентлар Оқтовдаги ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз ва тожик миллий маданияти марказлари фаолияти билан танишди. Мазкур шаҳарда юзга яқин миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилади.

Оқтов — Каспий денгизи соҳилидаги шаҳар. Сўнгги йилларда ундаги денгиз порти янада кенгайтирилди ва замонавий асосда таъмирланди. Саммит қатнашчилари порт фаолияти билан ҳам танишди.

**Ф. МАҲМУДОВ (ЎзА).**

**СУРАТДА:** учрашувдан лавҳа.

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ** олган сурат.

---

Шу сонга хабар

***Навоий вилояти ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартнома режасини бажаришди. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтарган миришкорлар қабул пунктларига 87 минг тоннадан ортиқ дон топширишди. Шунингдек, 5 минг тоннадан кўпроқ уруғлик жамғарилди.***

## НАВОИЙНИНГ ҒАЛЛА ХИРМОНИ

Қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш, тупроқ шароитига мос навларни танлаб экиш, оила пудрати ва фермер хўжаликларида ерга бўлган эгалик ҳиссининг шаклланиб бораётгани муваффақиятлар омили бўлди.

Вилоятнинг улкан хирмонига салмоқли улуш қўшган Конимех, Навоий, Хатирчи, Қизилтепа туманларида ҳосилдорлик 40-45 центнерни ташкил этди. Конимех туманидаги "Ўзбекистон", "Лочин", "Сардор", "Ил-2000" каби фермер хўжаликлари ҳар гектар ғаллазордан 80-85 центнердан дон олди.

Ҳали далада ҳосил мўл. Навоийликлар режага қўшимча яна 1,5 минг тонна дон сотишни кўзлаб туришибди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

---

Олий Мажлисда

# Йўлингиз бехатар бўлсин

***Кеча Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилишига бағишланган ушбу йиғилишда қўмита аъзоларидан ташқари тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам иштирок этишди.***

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкини, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза этишни такомиллаштиришга қаратилган зарур меъёрий базани шакллантириш учун шарт-шароит яратди, — деди сўзга чиққан Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Тиллабоев. — Мазкур қонун ижроси бўйича вилоятимизда муайян ишлар қилинаётир. Жумладан, хўжалик субъектларининг фаолиятини кучайтириш мақсадида вилоят ҳокимлиги қошида йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссияси ишлаб турибди. Мазкур комиссия фаолияти давомида автомобиль йўлларини, йўлкаларни таъмирлаш, аҳоли пунктларида ёритиш мосламаларини тартибга солиш каби масалаларга ҳам алоҳида аҳамият беришаётир.

Далилларга эътибор берадиган бўлсак, йўл ҳаракати хавсизлиги борасида вилоятда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. Жорий йилнинг беш ойи давомида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ўтган йилдагига қараганда, 9,5 фоизга, жароҳатланганлар сони эса 7,3 фоизга ўсган. Хусусий транспорт эгаларининг айби билан шу йилнинг беш ойи мобайнида 182 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган, бу ўтган йилнинг айни давридагига нисбатан 10,3 фоиз кўп демакдир.

Ўтган йили транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун 250 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган, улардан 58 нафари қўшимча жазо сифатида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Қоидабузарлик инсон ҳаётига хавф солиши мумкинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, масаланинг қанчалик долзарблигини англаб олиш қийин эмас.

Йиғилишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича турли фикр-мулоҳазалар билдирилди, амалий таклифлар ўртага ташланди.

Қўмита йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

# «САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» ОРОЛБЎЙИДА



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оролбўйи аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида "Саломатлик поезди" ташкил этди. Ушбу поезд 7 июль куни 13 нафар малакали шифокор билан Нукусга етиб келди.

— Бир ҳафта мобайнида Қорақалпоғистоннинг 6 та туманида иш олиб борамиз, — дейди "Саломатлик поезди" раҳбари Тошкент Фтизиатрия ва пульмонология илмий тадқиқот институти директори ўринбосари Даврон Мухторов. — Ушбу тадбир доимий бўлиб, бу ишга тиббий соҳанинг барча мутахассислари жалб этилади.

Олти гуруҳга бўлинган шифокорлар Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Амударё, Шуманай ва Қонликўл туманларида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишни бошлаб юборди. Мазкур поездда касалликни аниқлаш ва уни даволаш учун 12 миллион сўмлик дори-дармон келтирилган.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Омад сизга, битирувчилар!

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бакалавриат ва магистратура босқичлари битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов мазкур илм даргоҳида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган вазифалар изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги кунда 6 минг 500 га яқин талаба таълим олаётган мазкур университет базасида иқтисодиёт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, иқтисодиёт лицейи, касб-ҳунар коллежи, гимназия, ихтисослаштирилган махсус бизнес мактаби ишлаб турибди. Бу ерда жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги нуфузли ўқув юртлари, илмий-тадқиқот марказлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маросимда ўқишда аъло кўрсаткичларга эришган битирувчиларга махсус совғалар топширилди.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларини тугатаётган бакалавр ва магистрларга диплом топшириш тадбирлари битирувчиларнинг қалбида бир умр сақланиб қолса, ажабмас.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтди. Залда тўпланган бакалавр ва магистрларнинг қўллари кўксида. Ўзбекистон мадҳияси янгради. Устозлар ҳамда ота-оналар ёш мутахассисларни самимий табриклаб, келгуси ҳаёт йўлларига омад тиладилар.

Институтни еттита йўналишда 81 нафар магистр ва 500 нафар бакалавр тугатди.

— Диплом олган магистрларимизнинг билим малакалари хорижда таълим олганлардан кам эмас, — дейди магистратура факультети декани Самад Ҳамроев. — Улардаги ҳуқуқий билим жаҳон андозаларига тўла мос бўлиб, юртимиз равнақига хизмат қилади.

**М. ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

# Таълимнинг юксак масъулияти

**Билим олишни ва илм-фаннинг чўққиларини эгаллашни хоҳловчилар учун ҳеч бир тўсиқ ва чекланиш йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас... Шу йилнинг 28 июнь куни олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари ўртасида бўлиб ўтган «Бевосита мулоқот»нинг бош мазмунини ана шундай сўзлар билан ифодалаш мумкин.**

**Хуллас, бугунги олий ўқув юртларида таълимнинг моҳияти нима, мустақил давлатимизда ўқув юртлари қандай ўзгаришларни бошдан кечиряпти, бу йўналишда қандай муаммоларга дуч келиняпти, биз нималарга эришаяпмиз, деган саволларга жавоб топаман десангиз, газетамизнинг 3-саҳифасида берилган «Бевосита мулоқот» тафсилоти билан, албатта, танишинг. Ундан таълим соҳаси билан боғлиқ равишда ўзингизни ўйлантириб келаётган масалаларга имкон қадар жавоб топасиз, деган умиддамиз.**

---

***Президентимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида журналистлар олдига масъулиятли вазифаларни қўйдилар. Уларни амалга ошириш учун эндиликда ҳар бир ижодкор изланмоқда, халқ кўнглига йўл топиш учун ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам «Халқ сўзи» газетаси кунлари муштарийлар билан очиқ-ошкора, самимий мулоқотга айланиб кетди.***

# Қашқадарёда «Халқ сўзи» кунлари

Айниқса, Қарши тумани марказида бўлиб ўтган учрашув жуда мароқли ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов «Халқ сўзи» газетаси ва унинг жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади. «Халқ сўзи» газетаси ижодкорлари, шунингдек, фаол муаллифи Ашурали Жўраевнинг айтган фикрлари газетхонларда зўр қизиқиш уйғотди. Шунинг учун муштарийлар газета ва ундаги мақолаларга ўз муносабатларини билдирдилар, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар, таклифларини айтдилар. Жумладан, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омоновнинг фикрича, газетага рақамларни қалаштириб ташлаш мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, халқ ҳаёти унда ўз инъикосини топиши керак. Масалан, Қарши тумани Қашқадарёдаислоҳотлар мактаби сифатида эътироф этилган. Нега шу ҳақда жонли тарзда ёзиш мумкин эмас?

«Халқ сўзи» кунлари Шаҳрисабзда қизғин кутиб олинди. «Халқ сўзи» — халқ билан ҳамнафас. Шаҳрисабзлик муштарийлар учрашувда ана шуни алоҳида таъкидлашди. Сўзга чиққанлар газетадаги мақолаларга муносабат билдириш билан бирга жуда кўплаб таклифларни ўртага ташладилар.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Назар Ҳакимов, Қарши тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулла Хайруллаев, Шаҳрисабз тумани ҳокими Шомурод Ражабовлар газета сўз қудрати билан ҳамкору ҳамдаст бўлаётганини таъкидлашди.

Ҳуллас, газета жамоаси вакилларининг муштарийлар билан учрашувлари ўзига хос ҳисобот, аниқроғи, бир-бирини янада кўпроқ тушуниш, англаш тарзида ўтди. Мулоқотларнинг ҳар бирида Президентимиз ўртага қўйган вазифаларни қай тарзда адо этиш лозим, деган саволга жавоб изланди. Ва бу саволга жавоб қайта-қайта айтилди: халқнинг дилидаги, одамлар тилининг учида турган гапни қисқа, лўнда, жонли қилиб ёзиш керак.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Раис бува ЖАРИМА тўлади

Қонун барчага баробар

Дўстлик туманидаги Х.Исроилов номли ширкат хўжалиги Зафарободдаги «Конгли» фермер хўжалигидан 2 миллион 8646 сўм қарз бўлиб қолди. Шундан кейин фермер хўжалиги даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилди. Натижада суд ушбу қарзнинг тўланиши ҳақида қарор чиқарди. Апрель ойи бошларида суд ижрочисига ижро иши юритуви ҳақидаги қарорини қарздорига етказиб, ихтиёрий равишда тўлаш учун 5 кунлик муддат ва таклиф берди. Буни қарангки, Х.Исроилов номли жамоа раҳбари Бахтиёр Ботиров бунга пинагини ҳам бузмади. Чунки у киши юқорида номи келтирилган қонунда суд ижрочисига ҳокимият вакили мақоми берилганлигини, у ўз номидан мустақил равишда қарорлар қабул қилиши, унинг ўз ваколатлари доирасидаги талабларининг бажарилиши барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар учун мажбур эканлигини тасаввур ҳам қила олмади. Раисни ўқитиб, унга қонунни ўргатиб қўйиш учун эса борйўғи 10-15 кун кифоя қилди. Бу даврда раис бува ўз ёнидан жарима тўлади, ҳам хўжалигининг 2 (икки) миллион сўмдан зиёд қарзини узди.

Афсуски, таҳлиллар жойларда 2002 йил 1 январдан амалга кирган қонунни, унинг кучи ва масъулиятини билиб-билмай бажармаётган раҳбарлар, мутасаддилар кам эмаслигини кўрсатади. Йилнинг биринчи чорагида ҳал этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатларининг ярмидан кўпи — 54 фоизи биринчи чоракда бажарилмай қолгани фикримиз далилидир. Шу боис департаментнинг вилоят ҳудудий бўлимида ижро ҳужжатларининг сўзсиз ҳал этилишини таъминлаш кўзда тутилган бир ойлик тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Айни пайтда шаҳар, туманларда мазкур тадбир асосида фаолият олиб борилаяпти.

Пахтакордаги «Клеопатра» хусусий фирмаси А.Икромов номли пахта тозалаш корхонасини хўжалик судига бериб, жамоадан 1.781.786 сўмини ундириб беришни даъво қилди. Суднинг асосли қарори пахта тозаловчиларга оғир ботди шекилли, қарзларини тўлашни ошкора пайсалга сола бошладилар. Суд ижрочилари эса мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириб, қарздорнинг олти турдаги (қарз суммасига тенг бўлган) мол-мулкини рўйхатга олди (банд солинди). Корхонада иш тўхтайдиган бўлгандан кейингина корхона раҳбарининг «кўзлари очилиб» қарзларидан қутилишди.

Жиззах туманидаги Ҳ.Носиров номли жамоа раҳбарлари, ҳисобчилари кейинги пайтларда алимент тўловчиларни алқайдиган бўлиб қолишган кўринади. Бўлмаса хўжалик ҳисобчиларининг жамоада фаолият кўрсатаётган 12 нафар «алиментчи» иш ҳақидан ундирувчиларга юборишмаётганига нима дейсиз? Оқибатда қонунбузар бош ҳисобчи, унинг ёрдамчилари 7890 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Ғаллаороллик Иброҳим Хўжанов эса вояга етмаган 7 нафар фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлади. Бир йилдан зиёд даврда ҳеч қаерда атайлаб ишламасдан қочиб юрди. Оқибатда унга бир йил муддатга суд томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, давлат фойдасига ойлик иш ҳақининг 20 фоизи ундириладиган бўлди.

Шу ўринда ундирувларни амалга ошириш борасидаги ишларни ҳамма жойда ҳам етарли эмаслигини афсус билан таъкидлаймиз. Янгиобод, Зафаробод, Арнасой, Фориш, Зарбдор, Жиззах туманларида суд ижрочиларининг ўзларига берилган ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланишлари талаб даражасида эмас.

Суд қарорларини ижро этишга бевосита мутасадди бўлган департамент вилоят ҳудудий бўлимининг қайта-қайта мурожаатлари, эслатмаларидан тўғри хулоса чиқармаётган мансабдор шахсларнинг асоссиз важкорсонлари умумий ишимизга жиддий тўсқинлик қилаяпти, одамларнинг ортиқча вақтларини олмоқда. «Ғаллабанк»нинг вилоят бўлими раҳбари «Конгли», «Осиё», «Қорабчи», «Хидир-ота» фермер хўжаликлари фойдасига 1 миллион 800 минг сўмлик пеня пулини ўтказиб бермади. Фермерлар даладаги иши қолиб «катта»нинг ҳузурига кириш, қонуний ҳуқуқларини талаб қилишдан бўшамадилар. Бошқарувчига «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддаси билан 11.835 сўм жарима солинди. Раҳбардан жарима ундирилди-ю, пеня ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати тўлиқ ҳал этилмай турибди. Афтидан раҳбар ўзига бошқа жиддийроқ чора кўрилмагунча қонуннинг кучини сезмайдиганга ўхшайди.

Афсуски, жойларда бундай ҳоллар кам эмас. Қонун устуворлиги сўзсиз таъминланишини катта-кичик раҳбарларга уқтириб, уларга ўйнашмагин арбоб билан... мақолининг давомини овоз чиқариб эслашларини маслаҳат берардик.

**Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ,**
**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими катта инспектори.**

*Замонамиз қаҳрамонлари*

# ЎЙЛАЁТГАН ОДАМ

**Очерк**

***«Сулаймонқул Йўлдошев ишчиларни кетмонни қандай ушлаши-ю, уни жўякдаги тупроққа қандай уришига қараб ишга олади...»***

***Ён дафтаримга бу ёзувнинг рақам этилганига ҳам етти йил бўлибди. Бу одамни яқиндан таниганим сайин унинг феъл-атворидаги қизиқ-қизиқ хусусиятлар билан ошно бўлиб бордим. Масалан, у «Сайхун» хўжалигидаги ҳар бир одамга мажбуран сигир ва қўй-қўзи олдиради. Кейин бу молларнинг кўпайиши, насли тўғрисида доимо қайғуриб юради. Ўзи билан бирга ишлайдиган одамларнинг ўғил-қизи сут ичмаса, қаймоқ яламаса, қатиқхўрлик қилмаса, Йўлдошев бундай одамлар билан чиқишолмайди. «Маккажўхорига ер берсам, уйингизга тележкада кераклича беда туширсак, нега сиз сигир боқмайсиз?» дея туриб олади. У бир гектар маккажўхори пайкалидан 5 тонна дон, 2 минг боғ хашак олмаган кишини дангаса ҳисоблайди.***

«Сайхун»нинг ўрик, олма, олхўри дарахтларидан иборат ажойиб боғи бор. Эҳтимол, шу сабаб бу ердагиларнинг қишин-ёзин оғзидан ҳўл мева-ю, туршак тушмайди. Меҳнатободда энг зўр помидор, энг хушхўр бодринг, май ойи билан юз кўришадиган қирқма қовунлар айнан мана шу далаларда етиштирилади. 30 гектарлик бедазордан чиққан хашак барчага баб-баравар бўлинади. Улар етиштирган ловия, мош бозорда харидорга маҳтал бўлмайди.

Дала шийпонининг яқинида қурилган молхона, қўйхона, товуқхона, ўрдакхонадан чиққан ўғит далага сочилади.

Худойқул Раҳмонов, Маҳмуд Усмонов, Худойберди Ҳасанов сингари ўнлаб одамларнинг корамоллари бир пода бўлиб, қўйлари бир сурув бўлиб зовур четларида, ҳали ўзлаштирилмаган майдонларда боқилишини кўриб мен бу ҳолга ҳавас қилдим. «Мана шу мол-давлатнинг пайдо бўлиши, аввало, Истиқлол, қолаверса, Сулаймонқул акага ўхшаган яхши инсонлар шарофатидан, — дейди Худойқул Раҳмонов. — Мустақиллик Сулаймонқул ака каби тадбиркор кишиларга кенг йўл очиб берди. Улар ўзлари ҳам бойишяпти, бошқаларга ҳам бойиш йўлини кўрсатишяпти. Бир миллион сўмдан кам даромад қилган одам бизда деярли йўқ. Бу Сулаймонқул ака катта даромад қилмаганимизга қўймайди. Керак бўлганда ёнидан пул чиқариб, пулни пулга уриштиришга бизни мажбур қилади...»

Сулаймонқул Йўлдошев топишнинг ҳам, сарфлашнинг ҳам ҳавосини олган кишилар сирасига киради.

Ўшанда мана бундай бўлганди. «Йўлдошев соат 9.00 да қабулимга етиб келсин» деган телефонограммани ўқиб суюнди, «Каттага ўз кучимиз билан ҳал этолмаётган муаммоларимизни билдираман, таклифларимни айтаман» деб ўйлади.

Айтилган вақтда у қабулхонада ўтирарди. Орадан икки соат ўтса ҳамки негадир уни ичкарига таклиф қилишмади. Котиба қиздан бунинг сабабини сўраганда, унинг қошлари чимирилди: «Амаки, бу ер сизга дала эмас... Қачон керак бўлсангиз ўшанда чақиришади...»

Йўлдошев бу қиз бир нарсани билмаса гапирмайди, деган тасалли билан ўзини овутди. Соат ўн иккиларда раҳбарнинг ёрдамчиси уни ичкарига чорлади. Ёруғ ва кенг хонада ўтирган киши Йўлдошевга қараб ҳам қўймади. Саломи аликсиз қолганидан хижолат чеккан Йўлдошев муштумига бир-икки йўталди. Стол ортида ўтирган киши кўзининг қири билан унга бир чеккадан жой кўрсатди. Ажаб, уни нега шошилинч чақиришди-ю, нега соатлаб куттириб қўйишди? Бу ҳолнинг ортида не сир бор?

— Билағон-у, файласуф Йўлдошев деганлари сиз бўласизми?

Бундай тагдор писандани кутмаган Йўлдошев андак ўзини йўқотди. Юзлари қизариб кетди. Аммо куч билан ўзини босди:

— Келсин, деган экансиз, келдим. Гапингиз бўлса, қоғозга ўрамай юзимга айтинг...

Кабинет эгаси даст ўрнидан турди-да, қўлидаги қаламни столдаги ойнага урди.

— Сиз қачондан буён туманда ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб қолдингиз?! Нега хўжалик раҳбарининг, ҳосилотнинг гапига кирмайсиз?! Қаршингизга бир чўпни қўйиб, шу раҳбар десалар, унга итоат қилиш лозимлигини билмайсизми? Нега ғаллага ўроқ тушир десалар, «ҳали буғдой хом, бир ҳафтадан кейин комбайн соламан» деб ўжарлик қиласиз?!. Ҳў, бойвачча, ҳар кузда биз берган уруғни экмай нав танлашни сизга ким қўйибди! Нима, ғалла ишини фақат сиз биласизми? Кўп ўзингиздан кетманг! Йилда ўзингизга, аъзоларингизга юз тонналаб буғдой қолаётганлигидан, оқ шоҳи кўйлак кийиб, «Нексия»да шаҳарма-шаҳар юрганингиздан бизнинг хабаримиз йўқми?!

Сулаймонқул Йўлдошев ҳам стулни орқага суриб, ўрнидан турди. Асабдан бўлса керак, лаблари титраб, қовоқлари пир-пир учди.

— Кўйлагим ҳам, машинам ҳам пулимга келган... Ғалла ўримини бошламаганимизнинг боиси, ҳосилни хом ўриб ютқизган пайтларимиз ҳам бўлган... Нав танлашга келсак... Фақат эртани ўйламайдиган ғаллакоргина қўлига тутқазилган уруғни экиб юраверади. Мен бунга бутунлай қаршиман. Меҳнатободнинг бир хўжалигига тўғри келган уруғ бошқа хўжаликда 10 центнерлаб кам ҳосил беради. Биздан нега норози бўлаётганингизни билолмаяпман. Ахир ҳар йили режаниям, қўшимча топшириқниям қойиллатиб бажариб қўямиз. Давлатнинг олдида, элнинг олдида биз эмас, ишламай туриб тишлайман деганлар уялсин...

Бу гапларни эшитиб раҳбарнинг афти буришди.

— Сиз бунча кар-кар қилаверманг! Мактаб-у боғчага пул ўтказган бўлсангиз, мақтови ўзингизга теккан. Чўл ўртасида боғ яратган бўлсангиз, мевасини ўзингиз еяпсиз! Менинг бир гапимни яхшилаб уқиб олинг: раҳбарларнинг йўриғига юрмай, билағонлик қиладиган бўлсангиз шахдам қадамингизга тушов соламан. Билишимча, отга ишқибоз экансиз. Оёғига тушов солинган от марра кўрмай ўтиб кетишини биласизми?

Сулаймонқул Йўлдошевга бу таҳдидлар алам қилди. Чап кўкрагининг остини нимадир ғижимлай бошлади. Кўйлагининг юқори тугмаларини қалтироқ бармоқлари билан ечаркан боши қизиб, кўз олди қоронғилашиб қизил чақинлар чақнади.

Пастдаги машинага зўрға етиб борди.

— Нима гап, дада?

— Бироз бошим айланди. Машинани далага ҳайда. Ҳозир ўтиб кетади, — деди у зўраки жилмайиш билан.

... Кўзини очса, шифохонада ётибди.

— Биродар, юракни авайлашингиз керак, — деди қон босимини ўлчаётган шифокор. — Эндигина элликка кирган киши ҳозирданоқ бундай ҳолга тушса, эртага нима бўлади?

Йўлдошев докторнинг гапига жавобан «маъқул» дегандек бош силкиди. Сўнг юрагига қулоқ тутди. У санчиб оғримаса-да, одатдагидан тезроқ урарди. Хонада Баҳодир иккаласи қолгач, ўғли унга бир пиёла чой узатди.

— Дада, сизнинг ошқозонингиз оғрирди. Бироқ қон босимингиз йўқ эди-ку! Кимдир сизни қаттиқ ранжитган. Менга ўша одамни айтасиз!

Йўлдошевнинг кўнгли ийди. Ўғлига тикилди.

— Болам, мен сени босиқ йигит, десам, чўғ тушган бир қучоқ хасдан фарқинг йўқ экан. Ўзингни бос, баҳслашган ҳар бир одам билан орани очиқ қиламан, дегудек бўлсанг, умринг беҳуда тортишувлар билан ўтиб кетади...

Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Йўлдошев қувватга кирди. Қишлоқдан дўст-биродарлари йўқлаб келишар, улар билан турли-туман янгиликлар ҳам эргашиб келарди.

— Маҳмуднинг бирданига иккита сигири бузоқлади...

— Худойберди Ҳасанов битта қўчқорини 172 минг сўмга пуллади.

— Ғалла планини бажардик...

— Мактабдаги спорт залига 200 минг сўм пул ўтказилди...

— 75 гектардаги ғўзалар ёппасига шоналаб, гулга кирди...

— Фақат ғалладан кўрган даромадимиз ўн миллион сўмдан ошди.

— Ҳар бир ишловчига бир — бир ярим тоннадан буғдой тарқатилди...

Сулаймонқул Йўлдошевнинг юрагига бу илиқ-иссиқ хабарлар хуш ёқарди. Тўғри, унинг оёққа туришига шифокорлар астойдил ёрдам беришди. Бу дори-дармону меҳрибонликлар сафида ана шу хабарлар ҳам бел боғлаб турди, десак, хато бўлмайди.

Дала. Лоток ариқ устига қурилган кенг-мўл сўри. Ариқда сув чулдирайди. Қаҳрамонимиз билан чўл ҳақида, олис Исфана қишлоғидаги Йўлдош ота, Қурбоной хола тўғрисида, буғдой-ю, пахта борасида гурунглашамиз.

— Тўғри гап туққанингга ёқмайди, деган нақл бор. Ўзини билган, ўзининг қадрини англаган одам қорнига эмас, қадрига йиғлайди. Мен ҳамиша кўнглимдаги гапни айтиб катталарнинг кўзига дўнг кўринаман. Биргина ғаллачиликни олиб кўрайлик. Мана шу бизнинг Меҳнатобод, қўшни Мирзаобод, Шароф Рашидов, Оқолтин туманларининг ерлари ўрта ва кучли шўрланган зоналар ҳисобланади. Бу ерларга шўрга чидамли, занг касаллигига бардош бера оладиган эртапишар буғдой навлари керак. Таъминот идорасидаги жаноблар эса бу ҳол билан умуман ҳисоблашмайди. Мана, уруғ, мана дала, бизга фалон центнердан ҳосил олиб берасан, дея тўрачилик қилишади. Вилоятда уруғчилик билан бевосита шуғулланадиган бир неча хўжалик ташкил қилмасдан туриб ғаллачиликни ривожлантириш мушкул. Буларни айтавериб сочим оқарди. Бизда мана қандай бўлади? Эртани ўйламайдиган хўжалик раҳбари, фақат бугунги кун билан яшайдиган фермер ўзининг уч пулга қиммат буғдойини кўпайтиришга лойиқ уруғ, дея рўйхатдан ўтказдиради. Қараб турибсизки, бизнинг шароитга тўғри келмайдиган уруғлар катта-катта майдонларга экилаверади. Бунинг ҳаммаси таниш-билишчилиг-у, енг ичида иш битиришнинг оқибатидир. Мен эса даламга истиқболи йўқ навни икки дунёда ҳам экмайман. Мана, ерларимизнинг шўр босганлигини, сув танқислигини, ишчи кучи етишмаслигини ҳисобга олиб ҳукуматимиз Меҳнатобод туманини ғалла, полиз ва сабзавот етиштирадиган туманга айлантириш ҳақида махсус қарор чиқарди. Шундай шароит яратилгач ҳам деҳқон-у, раҳбар қўлни-қўлга бериб ишламаса, фақат бугунги кунни ўйласа, Меҳнатободдаги одамларнинг косаси қачон оқаради?

Оёғини ариқдаги сувга солиб ўйга чўмган Сулаймонқул Йўлдошев кўкрак чўнтагидан бир дона буғдой олди. Уни кафтида эзғилаб кўрди-да менга қаради:

— Мана шу бир дона буғдойнинг шовуллаган майсага айланиши, серҳосил бошоқларга айланиши учун қуёш, сув, шамол ва деҳқоннинг меҳри керак. Агар шуларнинг биттаси бўлмаса ҳам бу буғдой тупроқ остида чиришга маҳкумдир. Биз одамлар ҳам ана шу бир дона буғдойга ўхшаймиз. Бизга ҳам ҳамкасбларимизнинг мадади, эътибори, қўллаб-қувватлаши сув билан ҳаводек зарур. Фақат шундагина биз ортга эмас, кўкка қараб бўй тортамиз. Денгиз бўлиб чайқаламиз. Юртнинг эртаси сиз-у бизга ўхшаган юзлаб, минглаб одамларнинг аҳллик аталмиш туйғуларига, эртани англаш, эртани тушуниш деган буюк тушунчаларга боғлиқ.

Сулаймонқул Йўлдошев баъзан жўшиб, баъзан оҳиста гапираркан, мен унинг буғдойранг юз-кўзларига синчиклаб разм солдим. Ўзига тўқ бу одам нега ҳамиша эртанги кун тўғрисида қайғуради? Нега у бунчалик куйиб-пишади? Ўйлаб-ўйлаб бир хулосага келдим.

Бу одам — ўйлаётган одам. Ўйланган, эртанинг ташвиши билан юраги тепаётган одам аслида яшаётган одамдир. Унга мадад керак. Унга парвозлар учун кенг самолар зарур. Ана шунда бу парвозлар жуда-жуда юксак, уфқлар эса жуда-жуда яқин бўлиб қолади.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Дўстликнинг 35636 тонна дони



«Ғалла — 2002»

Бу ҳали давлатга сотилгани. Туманда жами ғалла ишлаб чиқариш 58000 тоннани қоралаб қолади. Ғаллакорлар келаси йил ғамида 1100 тонна сара уруғлик ҳам жамғариб қўйдилар.

Энг муҳими, давлатга ғалла топшириш бўйича оғир карвонли туман Жиззах вилоятида биринчи бўлиб режани уддалаганидир. Қўриқ воҳадаги туманда ҳосилдорлик ҳозирча 40 центнерни ташкил этмоқда.

Ғаллакорларнинг бу улкан зафарига 3500-5000 тоннадан ғалла топширган «Ҳалқобод», «Манас», Саркисов ва Қ.Раҳимов номли жамоалар муносиб улуш қўшдилар. Қабул пунктига 194 тонна дон етказиб берган «Шахбоз» фермер хўжалиги туман иқтисодиётида ўзига хос рекорд ўрнатди. «Настарин майда», «Кенжа ота», «Семурғ», «Абдуота», «Ўткир» каби ўнлаб фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 55-60 центнерга етказишиб, 150-170 тоннадан ғалла топширишга муваффақ бўлдилар. Шу кунгача тумандаги 826 та фермер хўжалигининг 700 дан зиёди шартнома режасини уддалаб улгурди.

— Чўл шароитида мўл ғалла ҳосили олиш сирларини ўрганаётган ёшларимиз кўплигидан қувонамиз, — дейди таниқли пахтакор Омон Абдуллаев. — Бизнинг «Машъал» фермер хўжалигимиз ҳар гектар ердан 60 центнер ҳосил олган бўлса, 70 центнерни кўзлаганлар ҳам оз эмас.

Ростданам, Юлдуз Холматова, Юнус Нурмуҳаммедов, Абдували Турдибеков каби фермерлар ҳосилдорликни 65 центнердан ошириш ишқида экан.

Туман ғаллазорларида 29 та «Кейс» унумли ишлатилди. Комбайнчилардан Мухтор Муҳаммадиев, Бобоқул Мажидов, Анвар Юнусов, Эсон Бозоров, Абдумавлон Оталиқов, Файзулла Қаршиев кабилар 1800-2000 тоннадан ғалла йиғиштириб беришди.

Туманда ўрим давом этмоқда. Ўрилган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, керакли жойларда такрорий экинлар етиштирилаяпти.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қибрай хирмони

**Қибрай тумани ғаллакорлари Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб йиллик шартнома режасини бажардилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 43 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 2 центнер кўпдир. Бошқача айтганда, жами 8500 тонна ғалла ўрибянчиб олиниб, давлатга 8035 тонна дон сотилди.**

**Ғалла хирмонига, айниқса, «Дўрмон», Бура ота номли, «Маданият» ширкат хўжаликлари ғаллакорлари баракали ҳисса қўшдилар. Ушбу жамоаларда режага қўшимча 80-100 тоннадан ҳосил жамғарилди. Ўзбекистон пахтачилик тажриба хўжалигидан Шерали Алимқулов, Р.Мусамуҳамедов номли ширкат хўжалигидан Отабек Юсупов каби оилавий пудратчилар эса ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказдилар.**

**— Далаларимизда ўримйиғим давом этмоқда, — дейди туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев. — Мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 500 тонна ғалла топширишга қарор қилдик.**

**А.ФОЗИЛОВ,**
**туман «Давр овози» газетасининг муҳаррири.**

# Томорқа кичик — имкониятлар катта

Муборак ҳаж зиёратига боришни қайси мўмин-мусулмон орзу қилмайди, дейсиз. Қарийб ўн уч асрдан буён ота-боболаримиз пою-пиёда, туя ёки отда ойлар давомида йўл юриб, муқаддас қадамжо — Каъба сари интилганлар. Ҳозирги кунда бу сафар заҳматини камайтириш, муддатини қисқартириш имкони бор. Исломнинг беш асосий фарзидан бирини адо этиш учун, турган гап, анчагина сармоя талаб қилинади. Бунинг учун ҳар ким ҳалол йўл билан топилган маблағини сарфласа, нур устига аъло нур.

— Ҳукуматимиз юритаётган томорқа сиёсати туфайли қишлоқ аҳолиси дастурхонига барака кираяпти, — дейди пешкулик Ниёз Отақулов. — Ҳар қарич ер, ҳар туп дарахт учун ботмон-ботмон солиқ тўлашга тўғри келган шўро даврини биз, кексалар яхши эслаймиз. Ўшанда кўпчилик мевали дарахтларни кесиб ташлади. Чунки олинаётган ҳосил тўланадиган солиқ миқдорининг чорак қисмига ҳам етмасди-да. Эсиз, шунча меҳнат, шунча боғ-роғ...

Отахон икки нафар ўғли билан бир ҳовлида яшайди. Фарзандлари алоҳида хўжалик сифатида томорқа олишган. Мавжуд 45 сотих ернинг ҳар қаричи ҳисобда. Мевазорлар орасига экилган помидор ва сабзавот эса оила учун қўшимча даромад манбаидир.

Ниёз ота билан ҳовли-боғни кезар эканман, ўзимча хомчўт қиламан: 30 тупдан ошиқ гилос дарахти, яна шунча туп анор, ўрик, гилос, ёнғоқ, анжир... Бозорда бир килограмм мева фалон пул. Демак...

— Ҳар йили мўмай даромад оламиз, — сўзини давом эттиради отахон. — Ўзим нафақадаман, ўғилларим — муаллим. «Маош кам» деб нолишмайди. Чунки томорқадан келаётган фойда рўзғор бутлигини таъминлаяпти. Мустақилликдан айланай, болам. Шу кунларга етказган Оллоҳга минг бора шукр. Уч йил олдин Каъбани тавоф айлаш бахтига мушарраф бўлдим. Кўп йиллик орзуйим ушалди. Сафар харажатларининг барчаси — томорқа даромадидан.

Ҳожи Ниёз ота қишлоқ аҳли учун яратилган бошқа қулайликлар ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Унинг ҳаётий мушоҳадага бой, жўяли фикрлари кўпларга ибрат бўларли. Ҳа, кичик томорқа бугун катта имкониятлар манбаига айланган. Унга бўлган эътиборни кучайтирсак, турмушимиз янада фаровонлашади, деҳқон кўнглидаги барча орзулар ушалаверади.

**Амрулло САМАДОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 9 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 423,33 | 1 Исландия кронаси | 8,68 | 1000 Туркия лираси | 0,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1155,63 | 1 Канада доллари | 495,87 | 1 Швейцария франки | 505,74 |
| 1 Дания кронаси | 100,07 | 1 Хитой юани | 91,20 | 1 ЕВРО | 742,94 |
| 1 БАА дирхами | 205,53 | 1 Малайзия рингтити | 198,68 | 10 Жанубий Корея вони | 6,31 |
| 1 АҚШ доллари | 754,87 | 1 Польша злотийси | 181,42 | 10 Япония иенаси | 63,33 |
| 1 Миср фунти | 163,39 | 1 СДР | 992,74 | 1 Россия рубли | 23,95 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 141,66 |

**( Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



# Ниҳоллар чилла сувига тўйинмоқда

*Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» ширкат хўжалиги пахтакорлари бу йил 510 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштиришни мўлжалламоқдалар. Шу мақсадда улар ғўзани оби-тобида парвариш қилмоқдалар. Бу юмушга 210 нафар ижарачи ва 14 та трактор жалб этилган. Вақтида ўғитланган, чилла сувига тўйинган ниҳоллар эса баравж ўсаяпти. Ҳозир ҳар туп ғўзада 2 тадан 4 тагача кўсак бор.*



**СУРАТЛАРДА: бошқарув раиси Убайдулла Абдуллаев ва фермер Ғайбулла Абдуллаев ғўзанинг ривожидан мамнун; ниҳоллар кунда бир яшнаяпти.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.**

## Буюк Ипак йўлининг бекати

Қорақалпоғистоннинг қадимий қишлоқларидан бири ҳисобланган Шўрахонда ўлкашунослик музейи очилди. Қишлоқ эрамиздан аввал ҳам мавжуд бўлиб, Буюк Ипак йўлининг муҳим бекатларидан бири бўлган экан. Янги музейдан жой олган ноёб ашёлар ҳам ана шундан дарак беради. Бундан ташқари, бу ерга қўйилган кўплаб таниқли кишиларнинг таржимаи ҳолига оид экспонатлар ҳам кўпчиликнинг қизиқишини уйғотди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

# СОЛИҚ ТЎЛОВИДАН ҚОЧГАНГА МУРОСА ЙЎҚ

**Ойни этак билан ёпиб бўладими? Албатта, йўқ. Ҳаётда турли йўллар билан қонуний солиқ тўловларини тўлашдан қочишга уринаётган фуқарони этаги билан ойни бекитмоқчи бўлган одамга ўхшатиш мумкин. Ахир ҳаммамиз шу жамият неъматларидан баҳраманд бўлар эканмиз, марҳамат қилиб, мавжуд тартиб-қоидага риоя қилишимиз керак-да!**

Афсуски, ҳали ҳам орамизда солиқлар давлат қудратини ошириши, бу эса пировардида жамиятнинг гуллаб-яшнашини ҳис қилмаётган кимсалар учраб турибди. Худди шундай ҳолларнинг олдини олиш ҳамда иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ соҳасидаги қонун бузилишларига қарши курашиш бошқармаси республика Прокуратураси ихтиёрига ўтказилиб, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, деб номланди. Унинг зиммасига нафақат соҳада тартиб ўрнатиш, балки солиққа тортиш базаларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларни тўла қамраб олиш, нақд пул маблағлари муомалада бўлишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Департаментнинг жойлардаги бўлимлари қандай ишларни амалга оширмоқда, қонун бузилиши ҳоллари камаяптими, фуқароларнинг солиқ тўғрисидаги тушунчаси қай даражада шаклланмоқда? Биз шу мақсадда идоранинг Тошкент шаҳар Сирғали тумани бўлими фаолияти билан танишдик.

Бўлим ходимлари, аввало, солиқ ва мажбурий тўловларнинг аҳамияти, улардан тушган маблағларнинг қайси соҳага йўналтирилаётгани тўғрисида маҳалла, корхона ва ташкилотларда фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Жорий йилнинг биринчи чорагида 39 та ана шундай тадбир ўтказилди. Шу билан бирга, қонун бузилиши ҳолларига ҳам муросасизлик билан қаралмоқда.

— Бизнинг эътиборимизни жиддий қонунбузарликка йўл қўйган тадбиркор — «Руслана» хусусий фирмаси раҳбари А. Ибайдуллаеванинг фаолияти тортди, — дейди бўлим бошлиғи Илҳомжон Ёриев. — Фирма бундан бир ярим йил муқаддам ташкил этилган. Унинг раҳбари тўғри ишлаш, ҳалол йўл билан бойлик орттириш ўрнига олинаётган фойдадан солиқ тўламасликка, турли йўллар билан давлатни алдашга ҳаракат қилган. Яқинда бўлим ходимлари фирма фаолиятини тафтиш қилишганда, қарийб 17 миллион сўмга яқин солиқ ва бошқа тўловларни яширганлиги маълум бўлди. Фирма ўтган даврда пул ўтказиш йўли билан 56 миллион 534 минг 535 сўмлик салқин ва спиртли ичимликлар сотиб олади. Лекин маҳсулот фирмага кирим қилинмасдан, нақд пулга сотилади ва у ҳеч жойда қайд қилинмайди. Натижада банкка пул топширилмайди. Албатта, бундай қонунбузарликнинг айбдорлари тегишли жазо оладилар.

Сирғалидаги катта улгуржи бозорда патентсиз, солиқ идораларининг рухсатисиз, яъни ноқонуний равишда сигарет сотаётган Актам Чоршанбиев фаолияти ҳам тўхтатилди. Унинг ихтиёридаги маҳсулот ҳисоблаб кўрилганда, 255,5 минг сўмликдан кўп эканлиги аниқланди.

Ҳа, бундай мисоллар кам бўлса-да, учраб турибди. Лекин бир нарсага киши ҳайрон қолади: давлатимиз томонидан барча тадбиркорларга фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароит яратилган бўлса, қонун доирасида иш юритиб, солиқ тўлаб, юз ёруғ бўлиб юрганга нима етсин! Лекин айрим кишилар онгли равишда солиқ тўламасдан, қонунни бузишга ҳаракат қилишади, шу билан бирга, жиноят содир этишади. Бунинг учун уларнинг жавоб беришлари муқаррардир.

Сирғали тумани прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими жамоаси бундай қонун бузилиши ҳолларига қарши муросасиз курашиб келмоқда. Уларнинг изчил ва самарали ҳаракати туфайли бир қанча жиноятнинг йўли тўсилмоқда, давлат хазинасига миллионлаб сўм маблағ туширилмоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

